

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**51-сон**  
**(915)**  
**2019 йил**  
**23 декабрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

910. «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ўРҚ–595-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

911. «Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сон қарори

912. «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

913. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 97, 103, 11-2019-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982-1*)
914. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 18 ноябрдаги 167-сон «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3204*)
915. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/5-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 14 декабрдан 20 декабргача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### 910 Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 22 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар** — ногиронлиги бўлганидан ёки бўлмаслигидан қатъи назар, оила, педагоглар, мутахассислар, жамият ва давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож бўлган индивидуал эҳтиёжларга эга болалар;

**давлат мактабгача таълим ташкилоти** — давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган ҳамда мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мувофиқ мактабгача таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи ташкилот;

**инклюзив таълим ва тарбия** — болаларнинг алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳамда индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятларни таъминлайдиган жараён;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 декабрда эълон қилинган.

**мактабгача бўлган ёш** — болаларнинг туғилган пайтидан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши;

**мактабгача таълим ва тарбия** — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури;

**мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти** — таълим-тарбия жараёнининг ҳажмига, мазмунига ва сифатига, мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлашга, шунингдек мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлом овқатланишини ва хавфсизлигини ташкил этишга доир мажбурий талаблар мажмуи;

**мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури** — бола томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг ҳажмини ҳамда мазмунини белгиловчи, шунингдек таълим ва тарбия мазмунининг ўзига хослигини, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ҳужжат;

**мактабгача таълим ташкилоти** — мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилоти;

**нодавлат мактабгача таълим ташкилоти** — нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензия асосида мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

**педагогнинг касбий стандарти** — мактабгача таълим ташкилоти педагогининг шахсий касбий сифатларига, билимларига, маҳорати ва кўникмаларига доир асосий талаблар мажмуи;

**таълим ва тарбиянинг муқобил шакли** — мактабгача таълим ва тарбия тизимидаги инновацион таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели.

#### **4-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари**

Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир бола учун мактабгача таълим ва тарбия олиш имкониятининг мавжудлиги;

ҳар бир боланинг истеъдоди нишонларини, иштиёқлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар тенглиги;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг, оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбиявий таъсирининг бирлиги;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш уйғунлиги;

боланинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган шахсий ёндашув;

мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг изчиллиги ҳамда узлуксизлиги;

таълим ва тарбиянинг демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгаллиги;

таълим-тарбия жараёнининг шаффофлиги ва очиклиги;

мактабгача таълим ва тарбия мазмуни, даражаси ҳамда ҳажмининг мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиғи ҳолатига мувофиқлиги.

### **5-модда. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;

болаларнинг мактабгача таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

боланинг ривожланишида, мактабгача таълим ва тарбия олишида оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

болаларнинг, шу жумладан алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари яратиш ҳамда ривожлантириш;

мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **6-модда. Мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари**

Ҳар бир бола мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишига доир давлат кафолатлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари негизида мактабгача таълим ва тарбия хизматларини кўрсатиш, шунингдек таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари ташкил этиш орқали таъминланади.

## **2-боб. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасини тартибга солиш**

### **7-модда. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини амалга оширувчи органлар**

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

махаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлайди;

мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг, шунингдек нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензияларнинг (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берилиш тартибини белгилайди;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Давлат инспекциясининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Давлат инспекцияси:

мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёни сифати устидан назоратни ва мониторингни амалга оширади;

мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказди;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказди;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларига малака тоифалари берилишини ташкил этади;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мактабгача таълим ва тарбия соҳасида лицензиялар беради.

Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади ҳамда уларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади;

мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

илғор педагогик технологияларни ўрганади, умумлаштиради ва таълим-тарбия жараёнига жорий этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув-услубий, дидактик материаллар, бадий адабиётлар, ривожлантирадиган ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминланишини, шунингдек уларнинг моддий-техника базаси жиҳозланишини ҳамда мустаҳкамланишини ташкил этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг малакасига доир талабларни белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ҳамда таҳлил қилинишини таъминлайди;

давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий фаолиятни амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

боланинг қонуний вакилларига услубий, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади;

мактабгача таълим ва тарбия тизимига инвестициялар ҳамда грантларни жалб этиш чораларини кўради, чет эл инвестициялари иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда боланинг ёшига ва физиологик эҳтиёжларига мос келадиган, рационал ҳамда мутаносиб овқатланиши учун мактабгача таълим ташкилотидаги табиий маҳсулотлар тўпламини белгилайди;

алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларни соғломлаштиришга қаратилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация, санитария-гигиена ва профилактика тадбирларини ўтказди;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг тиббий текширувдан ўтказилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **12-модда. Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ваколатлари**

Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;



мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра ўз тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларини қайта ташкил этади ва тугатади.

Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

мактабгача ёшдаги болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат-хусусий шериклик борасидаги фаолиятни амалга оширади;

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ва мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини, ҳаёти, соғлиғи муҳофаза қилинишини, шунингдек ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашади;

мактабгача таълим ва тарбия тизимига инвестициялар жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беради;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра тегишли ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади, тугатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **14-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши**

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

### **3-боб. Мактабгача таълим ва тарбия тизими. Мактабгача таълим ташкилотларининг турлари**

#### **15-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тизими**

Мактабгача таълим ва тарбия тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:  
мактабгача таълим ташкилотлари;  
таълим беришнинг муқобил шакллари;  
мактабгача таълим ва тарбия соҳасида фаолиятни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим ташкилотлари;  
мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар.

#### **16-модда. Мактабгача таълим ташкилотининг мақоми**

Мактабгача таълим ташкилоти давлат ва нодавлат ташкилоти бўлиши мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотида сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ҳамда фаолият юритилишига йўл қўйилмайди.

#### **17-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг турлари**

Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидаги турлар бўйича ташкил этилади:

умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти;  
кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти;  
инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти;  
қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти.

Умумий турдаги мактабгача таълим ташкилотининг умумий ривожлантириш йўналишидаги гуруҳларида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга

олган ҳолда, уларни соғлом муҳитга уйғунлаштириш орқали таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятлар таъминланади.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки рухий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гуруҳларда, шунингдек инклюзив гуруҳларда биргаликда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Мактабгача таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

#### **4-боб. Мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш**

##### **18-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш**

Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади.

Қуйидагилар давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассисларидир:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

##### **19-модда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш**

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав ҳамда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия асосида амалга оширади.

Юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

##### **20-модда. Жисмоний шахслар томонидан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш**

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар мактабгача таълим ва тарбия соҳасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматлари кўрсатади.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган мактабгача таълим ва тарбия соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган пайтдан эътиборан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматларини кўрсатишга ҳақли.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида кўпи билан йи-

гирма беш нафар мактабгача бўлган ёшдаги боланинг таълим ва тарбия олишига йўл қўйилади.

**21-модда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш**

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин берилади.

Лицензия бериш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

**22-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси**

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси Давлат инспекцияси томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси беш йилда бир марта амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**23-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишнинг мажбурийлиги**

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари:

шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари ташкил этилганда; турар жой мажмуалари қурилганда;

тегишли ҳудудда мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган сони ошганда мажбурий тартибда ташкил этилади.

Бир нечта кўп квартирали уйдан ёки якка тартибдаги уйлар гуруҳларидан иборат бўлган янги турар жой мажмуаларини лойиҳалаштириш ва қуришда кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларида ёхуд алоҳида бино тарзида ҳар бир икки юзта квартира ёки якка тартибдаги уйлар учун камида элликта ўриндан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим ташкилотининг мавжуд бўлиши шартлиги назарда тутилади.

**24-модда. Мактабгача таълим ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Мактабгача таълим ташкилоти:

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури асосида ўз таълим дастурини ишлаб чиқишга;

боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида мактаб-

гача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурида назарда тутилганидан ташқари кўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга;

боланинг қонуний вакиллари билан таълим ва тарбия борасида ҳамкорликни амалга оширишга ҳақли.

Мактабгача таълим ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилоти:

давлат мактабгача таълим ва тарбия стандарти талабларига мос келадиган мактабгача таълим даражасини таъминлаши;

болаларнинг ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиши;

болага таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан унинг қонуний вакилларига маслаҳат ёрдамини бериши;

боланинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдидлар, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ваколатли органларни хабардор қилиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **25-модда. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш**

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш учун олинадиган тўловлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш уларнинг муассислари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурида назарда тутилганидан ташқари кўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга ҳақли.

### **26-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси**

Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва соҳага малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмайдиган кўчмас мулкни реализация қилишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилмасига кирадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини текшириш натижалари бўйича вазирликнинг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган бюджет маблағларининг қонунга хилоф харажатлари, ўғрилиқлар, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия эҳсонлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари), грантлари ҳамда техник жиҳатдан кўмаклашиш воситалари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари:

мактабгача таълим ташкилотларини қурилишларнинг манзилли рўйхатларига киритган ҳолда, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим ва тарбия тизими органлари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан чет эллик юқори малакали мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига ишлаш учун жалб қилишга;

давлат органлари ва ташкилотларининг, лойиҳа институтларининг, илмий муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларининг, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш доирасида маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ходимларини ўқитишни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармасининг, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларга сарфланади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун ҳам сарфланиши мумкин.

### **27-модда. Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ахборотни йиғиш, сақлаш, излашни, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш имконини берувчи Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими яратилишини ҳамда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Мактабгача таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиш барча мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

### **5-боб. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш**

#### **28-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти**

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти барча мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини, мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ўқув-услубий қўлланмаларни, услубий тавсияларни ишлаб чиқишда, шунингдек мактабгача таълим ташкилотларини лойиҳалаштиришда, қуришда, жиҳозлашда ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда ҳисобга олиниши шарт.

#### **29-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури**

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури болани тўлақонли ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини таъминлайди.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури:

боланинг билим жиҳатидан ва интеллектуал ривожланишини;

боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорликни;

болаларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, Ўзбекистон Респуб-

ликасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан таништиришни;

боланинг ижтимоий мослашувини;

алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар билан педагогик-тузатиш (коррекциялаш) ва тиббий-психологик ишлар амалга оширилишини;

болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашни таъминлаши керак.

Жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишидаги нуқсонларини тузатишга (коррекциялашга) ҳамда реабилитация қилишга муҳтож бўлган болаларнинг мактабгача таълим ва тарбия олиши мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури асосида ишлаб чиқилган яқка тартибдаги режалар бўйича амалга оширилади.

### **30-модда. Таълим бериш тили**

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим бериш тили «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

### **31-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг иш режими**

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув йили жорий йилнинг 2 сентябридан кейинги йилнинг 31 майгача бўлган даврни, ёзги соғломлаштириш даври жорий йилнинг 1 июнидан 31 августигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар уларда болаларнинг бўлиши давомийлигига қараб:

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳлар (қунига 3-4 соат);

тўлиқ кунли гуруҳлар (қунига 9, 10,5 ва 12 соат);

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларининг:

болалар 3-4 соат бўладиган гуруҳларида — кундузги уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

болалар 9 — 10,5 соат бўладиган гуруҳларида — уч марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

болалар 12 соат бўладиган гуруҳларида — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларининг болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва тунги уйқу ҳамда беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар узлуксиз ухламайдиган муддатнинг тавсия этиладиган максимал давомийлиги 5,5 — 6 соатни ташкил этади.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун суткалик уйқунинг тавсия этиладиган умумий давомийлиги муддати 12 — 12,5 соатни ташкил этади, шундан 2 — 2,5 соатни кундузги уйқу учун ажратиш тавсия қилинади.

Мактабгача таълим ташкилотининг иш режими ва болаларнинг унда бўлиши давомийлиги унинг уставида белгиланади.



**6-боб. Мактабгача бўлган ёш даврлари. Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш**

**32-модда. Мактабгача бўлган ёш ва унинг даврлари**

Мактабгача бўлган ёш бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир.

Мактабгача бўлган ёш қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача);

илк болалик (бир ёшдан уч ёшгача);

мактабгача бўлган кичик ёш (уч ёшдан тўрт ёшгача);

мактабгача бўлган ўртача ёш (тўрт ёшдан беш ёшгача);

мактабгача бўлган катта ёш (беш ёшдан етти ёшгача).

**33-модда. Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш**

Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларга болаларни қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги тиббий-руҳий-педагогик комиссия хулосаси асосида, боланинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш ва улардан чиқариш нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг уставига мувофиқ амалга оширилади.

**34-модда. Мактабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш**

Гуруҳ мактабгача таълим ташкилотининг таркибий бирлигидир.

Мактабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ёшга доир тоифалар ёки ёшга доир бўлмаган тоифалар бўйича тўлдирилиши мумкин.

Гуруҳлар ёшга доир тоифалар бўйича тўлдирилганда қуйидаги ёш тоифалари белгиланади:

илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача);

кичик гуруҳ (уч ёшдан тўрт ёшгача);

ўрта гуруҳ (тўрт ёшдан беш ёшгача);

катта гуруҳ (беш ёшдан олти ёшгача);

мактабга тайёрлов гуруҳи (олти ёшдан етти ёшгача).

Мактабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш ва болаларни бир

гуруҳдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўқув йили бошлангунига қадар амалга оширилади.

Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳлар тегишли равишда қўйидаги миқдорда тўлдирилади:

уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар гуруҳларида — кўпи билан ўттиз нафар бола;

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда — кўпи билан ўттиз нафар бола;

турли ёшдагилар гуруҳларида — кўпи билан йигирма беш нафар бола;

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола.

Агар давлат мактабгача таълим ташкилоти жойлашган ерда давлат мактабгача таълим ташкилотига боришни хоҳловчи мактабгача бўлган ёшдаги болалар сони йигирма нафардан кам бўлса ва бу жойда бошқа давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда кам сонли болалардан иборат гуруҳларни ташкил этишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра гуруҳларни уларни тўлдиришнинг энг кўп миқдори оширилган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мактабгача таълим ташкилотларини сақлашга, уларнинг тузилишига ва улардаги иш режимини ташкил этишга доир санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг муассиси томонидан белгиланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қўйидаги миқдорда тўлдирилади:

нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кар болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яхши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

енгил даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола, ўртамиёна ва ўртача даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

ақлий ривожланиши кечикаётган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон) бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола.

Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида гуруҳлар тегишинча қўйидаги миқдорда тўлдирилади:

1) уч ёшгача бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган икки ёшдан уч ёшгача кўпи билан уч нафар бола;

2) уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда:

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (яхши кўра олмайдиган ёки яхши эшита олмайдиган ёки таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган) кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (кўриш амблиопиясига чалинган, кўзи ғилай ёки нутқида оғир нуқсонлари бўлган ёки аутизмга чалинган) кўпи билан икки нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан нутқида оғир нуқсонлари бўлган кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан руҳий ривожланишида кечикаётган кўпи билан уч нафар бола.

қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қўйидаги миқдорда тўлдирилади:

қулоғи қар болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

қулоғи яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яхши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон) бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола.

**35-модда. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаганлик, овқатлантирганлик ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш**

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаганлик, овқатлантирганлик ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўзи кўрсатаётган мактабгача таълим ва тарбия хизматлари қийматини мустақил равишда белгилайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилаларнинг болаларини парваришлаганлик, овқатлантирганлик ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш имтиёзли шартларда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

**7-боб. Мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**36-модда. Мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари**

Мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари қуйидагилардан иборат:

мактабгача бўлган ёшдаги бола;  
боланинг қонуний вакиллари;  
педагог ходимлар.

Мактабгача таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёни иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

**37-модда. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ҳуқуқлари**

Мактабгача бўлган ёшдаги болалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бепул тиббий ёрдам олиш;

соғлиқ учун хавфсиз бўлган шароитларда таълим олиш ва тарбияланиш;

соғлом турмуш тарзини олиб бориш, болаларни меҳнат қилишга мажбурлашнинг ҳар қандай шаклларида, жисмоний ва руҳий зўравонликдан, ўз шаъни ва қадр-қиммати камситилишидан ҳимояланиш;

ўз соғлиғига зарар етказадиган ахборотдан ҳимояланиш;

умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтиш.

Мактабгача ёшдаги болалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**38-модда. Боланинг қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Боланинг қонуний вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;  
ўз боласи учун мактабгача таълим шаклини ва таълим олиш тилини танлаш;

мактабгача таълим ташкилотлари маъмуриятидан мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;

мактабгача бўлган ёшдаги болани ривожлантириш, унга мактабгача таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан давлат органларига мурожаат қилиш;

болага нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;  
мактабгача таълим ташкилотидаги таълим-тарбия жараёни ташкил этилишида иштирок этиш;

давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши таркибини сайлаш ва унга сайланиш.

Боланинг қонуний вакиллари қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Боланинг қонуний вакиллари:

боланинг жисмоний соғлиғи, руҳий ҳолати ҳақида қайғуриши, унинг табиий қобилиятлари, иштиёқлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

боланинг мактабгача таълим ташкилотларида мактабгача таълим ва тарбия олишига кўмаклашиши ёки унинг оилада таълим ва тарбия олишини таъминлаши;

мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни бошқа иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига, шунингдек умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши;

оилада боланинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Боланинг қонуний вакилларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Болаларнинг умумий ўрта таълим муассасасига киргунига қадар умумий ўрта таълимга бир йиллик мажбурий тайёргарлик кўриши учун жавобгарлик уларнинг қонуний вакиллари зиммасига юклатилади.

### **39-модда. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари:

касбий шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш;  
ижодий ташаббус кўрсатиш, таълим ва тарбия услубиётларини, ўқув қўлланмалари ҳамда таълим воситаларини эркин танлаш;

мактабгача таълим ташкилотини бошқаришда иштирок этиш;

мактабгача таълим ташкилотининг таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

педагогик фаолиятидаги муваффақиятлар учун маънавий ва моддий рағбатлантирилиш;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги илмий, инновацион, халқаро фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини ўз касбий мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган иш турларига жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари:

болаларга профессионал даражада таълим ва тарбия бериши;

педагогик этикага риоя этиши, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, болаларни зўравонлик кўринишларидан ҳимоя қилиши, уларни ватанпарварлик, меҳнатга, қонуний вакилларига ҳурмат билан ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини бажариши; ўз малакасини ошириши;

ўз касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини такомиллаштириши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Таълим-тарбия жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки болаларни қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

#### **40-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларининг ҳафталик иш юкламаси**

Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари учун ҳафталик иш юкламасининг миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларининг ҳафталик иш юкламаси ушбу иш тури бўйича иш вақти нормаланган давомийлигининг бир ярим баравари миқдоридан ошмаслиги керак.

қонун ҳужжатларида давлат мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларининг айрим тоифалари учун ҳафталик иш юкламасининг бошқача давомийлиги белгиланиши мумкин.

#### **41-модда. Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва дам олиши**

Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари куйидагилар асосида шакллантирилади:

давлат мактабгача таълим ташкилоти ходимининг лавозими ва малака тоифасига мувофиқ белгиланган базавий тариф ставкалари;  
лавозим маошларига устамалар ва қўшимча ҳақлар.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ходимлари учун куйидаги малака тоифалари белгиланади:

ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга мутахассис;

бакалавр даражасига ёки олий таълим даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунига қадар олинган олий маълумотга эга мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий таълим даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунига қадар олинган олий маълумотга эга иккинчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий таълим даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунига қадар олинган олий маълумотга эга биринчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий таълим даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунига қадар олинган олий маълумотга эга олий тоифали мутахассис.

Мактабгача таълим ташкилотларининг ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳар йилги узайтирилган ҳақ тўланадиган таътил ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

#### **42-модда. Педагогнинг касбий стандарти**

Иш берувчилар томонидан педагогнинг касбий стандарти:

кадрлар сиёсатини шакллантириш;

педагог кадрларни ишга қабул қилиш;

меҳнат шартномаларини тузиш;

лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш;

педагоглар ўқишини ташкил этиш;

мактабгача таълим ташкилотлари педагогларини аттестациядан ўтказиш чоғида қўлланилади.

Педагогнинг касбий стандарти ҳудудларнинг маданий, демографик ва бошқа хусусиятлари инобатга олинган ҳолда талаблар билан тўлдирилиши мумкин.

Педагогнинг касбий стандарти педагогнинг шахсий сифатларига нисбатан унинг билимлари, маҳорати ва кўникмаларидан ажралмас бўлган талаблар қўяди.

Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Педагогнинг малака тоифаси педагогнинг касбий стандартига мувофиқ берилади.

**43-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш**

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги аниқланади ва унинг малака тоифаси белгиланади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**44-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тизимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга доир чекловлар**

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлари ёки жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар, шунингдек қасддан жиноятлар содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган шахслар мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Илгари ўзининг айбли ҳаракатлари сабабли меҳнат шартномаси тугатилган шахслар, шунингдек қўлланилган жазо чорасидан, судланганлиги ҳолати тугатилганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ҳамда ўзига нисбатан амнистия ёки афв этиш акти қўлланилганлигидан қатъи назар, қасддан содир этилган жиноятлар учун илгари ҳукм қилинган шахслар, жиноят ишлари айбдорлиги тўғрисидаги масала ҳал этилмаган ҳолда тугатилган жиноятлар содир этган шахслар мактабгача таълим ва тарбия тизими органлари ва ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши мумкин эмас.

Қонунда мактабгача таълим ва тарбия тизимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга доир бошқа чекловлар ҳам белгиланиши мумкин.

**8-боб. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш****45-модда. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларга қараб туриш ва уларни таъминлаш**

Давлат мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг, айниқса етим болалар ва ота-онасининг қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг, соғлигининг ҳолатини тузатишга, узоқ вақт даволанишга ҳамда реабилитация қилишга муҳтож бўлган болаларнинг, шунингдек кам таъминланган ва қўп болали оилалардаги болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида турли нуқсонлар бўлган бола-



ларга қараб туриш қисман ёки тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга қариндошлик муносабатларини сақлаш, шунингдек уларнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Қўриш, эшитиш қобилиятини, таянч-ҳаракат аппаратини тузатишга муҳтож бўлган болалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳаракатланиш, протезлаш, ахборотни идрок этиш ва қабул қилиш воситалари, шунингдек бошқа индивидуал тузатиш воситалари билан таъминланади.

#### **46-модда. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг овқатланишини ташкил этиш**

Мактабгача бўлган ёшдаги болалар учун табиий озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами, уларни ёшига доир физиологик эҳтиёжларига мувофиқ бўлган рационал ва мутаносиб озиқ-овқат билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат сифати устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва мактабгача таълим органлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларида мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг овқатланишини ташкил этиш аутсорсинг услуби билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **47-модда. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлиғини сақлаш**

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлиғини сақлаш кўйидагиларни ўз ичига олади:

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

мақбул ўқув юкларини белгилаш;

соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарғиб қилиш, шакллантириш ва ўргатиш;

соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

кун тартибига риоя этиш;

соғлом овқатланишни ташкил этиш;

жисмоний фаоллик учун шарт-шароитлар яратиш.

Мактабгача бўлган ёшдаги болаларга тиббий ёрдам мактабгача таълим ташкилотларининг ёки тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббий ходимлари томонидан кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-

эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва унинг худудий бўлинмалари мактабгача таълим органлари билан биргаликда мактабгача таълим ташкилотларида санитария қоидалари ва нормаларига, гигиеник нормативларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Соғлиқни сақлаш органлари мактабгача таълим органлари билан биргаликда ҳар йили болаларнинг бепул тиббий кўригини, уларнинг соғлиғи ҳолати мониторингини ва тузатилишини (коррекцияланишини) таъминлайди.

Мактабгача таълим ташкилотларининг тиббий ходимлари санитария қоидалари ва нормаларига, гигиеник нормативларга риоя этилиши, шунингдек мактабгача таълим ташкилотларида даволаш-профилактика чора-тадбирлари ўтказилиши учун жавобгар бўлади.

### **9-боб. Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби**

#### **48-модда. Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш**

Давлат мактабгача таълим ташкилотини бошқаришни қуйидагилар амалга оширади:

педагогик кенгаш;

кузатув кенгаши;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотини бошқариш тартиби унинг таъсис ҳужжатларида белгиланади.

#### **49-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши**

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши педагог ходимлардан иборат бўлган, унинг педагогик фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга доир ваколатларни амалга оширадиган давлат мактабгача таълим ташкилотининг коллегиял бошқарув органидир.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши:

давлат мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

давлат мактабгача таълим ташкилотининг иш режасини ва педагог ходимларнинг педагогик юкмасини белгилайди;

давлат мактабгача таълим ташкилотининг таълим дастурини амалга ошириш натижаларини баҳолайди;

давлат мактабгача таълим ташкилотининг боланинг қонуний вакиллари билан ўзаро муносабатлари тартибини белгилайди;

давлат мактабгача таълим ташкилоти педагог ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, таълим ва тарбия жараёнига илм-фан ютуқларини ва илғор педагогик тажрибани жорий этиш масалаларини муҳокама қилади;

давлат мактабгача таълим ташкилотининг ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ва педагог ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **50-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши**

Давлат мактабгача таълим ташкилотида болани тарбиялаш, ривожлантириш ва унга таълим беришга кўмаклашиш мақсадида кузатув кенгаши ташкил этилиб, унинг таркиби ушбу ташкилотга борадиган болаларнинг қонуний вакиллари, ўз ходимлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари орасидан шакллантирилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши:

давлат мактабгача таълим ташкилотини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига келишиб олишга киритиш учун туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарини белгилайди, шунингдек уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш юзасидан таклифлар киритади;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ушбу ташкилот фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет маблағларидан, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ва бошқа ходимларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказиши;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларига давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларини ва бошқа ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **51-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари**

Директор давлат мактабгача таълим ташкилотининг раҳбаридир.

Директор давлат мактабгача таълим ташкилотининг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат мактабгача таълим ташкилотининг устави, шунингдек меҳнат шартномаси билан белгиланади.

**10-боб. Мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминоти. Мактабгача таълим ва тарбия тизимини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари**

**52-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминоти**

Мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминоти ни қўйидагилар амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тасарруфидаги илмий-услубий муассасалар;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотлари;

Мактабгача таълим ва тарбия тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш институтлари (курслари).

Мактабгача таълим ва тарбия тизимининг илмий-услубий таъминоти ни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа илмий ва таълим ташкилотлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**53-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тизимини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари**

Мактабгача таълим ва тарбия тизимини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари қўйидагилардан иборат:

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълим ташкилотлари учун ўқув-услубий ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш;

мактабгача таълим ва тарбияни бошқаришнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия тизимида жорий этиладиган таълим услублари ва дастурлари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш.

**11-боб. Яқунловчи қоидалар**

**54-модда. Низоларни ҳал этиш**

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**55-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**56-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**57-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**58-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
ЎРҚ-595-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **911 Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган, яроқсиз боғ ва токзорлардан самарали фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу Низом талаблари боғ ёки токзори мавжуд бўлган фермер хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси 2020 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрга қадар:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзор майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

яроқсиз деб топилган иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва токзорлар ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо қилиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш ҳамда экспортбоп ва сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси яроқсиз деб топилган кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо қилиш бўйича қатъий назорат ўрнатсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожланти-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 декабрда эълон қилинган.

риш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 18 декабрь,  
1012-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 18 декабрдаги 1012-сон қарорига  
ИЛОВА

**Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган  
боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, шунингдек, уларнинг ўрнида интенсиф боғ ва токзорлар барпо қилиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари боғ ёки токзори мавжуд бўлган фермер хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**боғ** — бир жойда узоқ йиллар давомида ўстириладиган мева маҳсулоти етиштириладиган дарахтсимон ёки бутасимон ўсимликлар мажмуи;

**токзор** — бир жойда ток қўчати экилиб, узоқ йиллар давомида узум маҳсулоти етиштириладиган майдон;

**интенсиф боғ** — пакана ва ярим пакана пайвандтагларда етиштирилган қўчатларни зич экиш схемасида ресурстежамкор агротехнологик тадбирларни амалга ошириш асосида ташкил этилган ва сув тежовчи технологиялар жорий этилган боғ;

**иқтисодий жиҳатдан самарасиз боғ ёки токзор** — барпо этилган кундан беш йил ва ундан ортиқ муддат ўтган, сўнгги уч йилда олинган даромади парваришlashга кетган харажатларни қопламайдиган ва ҳосилдорлиги паст боғ ёки токзор;

**кам ҳосил берадиган боғ ёки токзорлар** — экилган навлар ҳосилдорлиги уларнинг илмий асосланган ҳосилдорлик кўрсаткичидан паст бўлган боғ ёки токзор майдони;

**яроқсиз боғ ёки токзорлар** — қўчат сони кам (30 фоизгача), касаллик ва зараркунандалар билан кучли зарарланган, шунингдек, экилган

кўчатнинг биологик хусусиятига, тупроқ-иқлим шароитига, экиш схемасига мос бўлмаган боғ ёки токзор;

**боғ ёки токзорни томчилатиб суғориш** — суғоришнинг тежамкор усулини қўллаган ҳолда боғ ёки токзордаги кўчатнинг илдизига сувни томчилатиб етказиб бериш;

**томчилатиб суғориш тизими** — сув насоси, фильтр, ховуз-тиндиргич, минерал ўғитларни аралаштирувчи мослама, магистрал ва таркатувчи қувурлар, суғориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва ўлчовчи қисмлар мажмуаси;

**тупроқ бонитировкаси** — қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртача агротехник даражасида тупроқ сифати ва табиий ишлаб чиқариш унумдорлиги 100 баллик шкала бўйича қиёсий баҳоси;

**ҳосилдорлик** — бир гектар боғ ёки токзордан олинадиган ҳосил миқдори;

**ялпи ҳосил** — умумий боғ ёки токзор майдонидан йил давомида олинадиган ҳосил миқдори;

**комиссия** — Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-моддасига асосан ташкил этилган ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар) комиссияси. Комиссия таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

## **2-боб. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш**

4. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ ёки токзорлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларини яроқсиз деб топиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Комиссия 2020 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрга қадар иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ёки токзор майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантиради.

7. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ёки токзорларни яроқсиз деб топиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ, токзор бар-



по этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

а) боғ ёки токзорнинг ҳосилдорлиги, экилган мевали дарахт ёки ток кўчатларининг тупроқ-иқлим шароитига мослиги, тури, нави, ёшини таҳлил қилиш — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) туман (Қувасой шаҳар) бўлими туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан;

б) боғ ёки токзорнинг яхлит контурда экилганлигини таҳлил қилиш (бир контурда бир хил экин тури экилганлиги) — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан;

в) мевали дарахт ёки ток кўчатлари нав муаллифлари томонидан тавсия этилган экиш схемасига мос экилганлиги, мавжуд кўчат сони, шундан яроқсиз кўчат сонини таҳлил қилиш — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Инспекциянинг туман (Қувасой шаҳар) бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан;

г) боғ ёки токзорда белгиланган агротехник тадбирларнинг бажарилганлигини таҳлил қилиш (органик ва минерал ўғитлар билан озиклантириш, суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, текислаш, касаллик ва зараркундаларга қарши ишлов бериш, дарахтларга шакл бериш, шунингдек, токзорларда — хомток қилиш, кесиш, кўмиш, яхоб суви бериш ва бошқа тадбирлар) — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан;

д) мева ёки узум маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлар ҳамда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар билан тузилган (фьючерс) шартномаси шартлари бажарилиши, маҳсулот сотишдан тушган маблағларнинг банк ҳисобварақлари орқали айланиши, дебитор-кредитор қарздорликлар ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман статистика бўлими, тижорат банклари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан;

е) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;

ё) боғ ёки токзордан оқилона фойдаланилмаганда, ҳосилдорлик кўрсаткичи уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда;

ж) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

з) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек, ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда.

8. Аниқланган ҳолат юзасидан уч нусхада далолатнома тузилади ва ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ташкилотлар вакиллари ва фермер хўжалиги ёки тегишли қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари томонидан имзоланади. Далолатномага йўл қўйилган камчиликларни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар (материаллар) илова қилинади.

Далолатноманинг бир нусхаси фермер хўжалиги ёки тегишли қишлоқ хўжалиги ташкилотиди, иккинчи нусхаси комиссияда, учинчи нусхаси туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимида сақланади.

9. Комиссия далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни (материалларни) таҳлил қилади ҳамда яроқсиз деб топилган боғ ёки токзор ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулоса тайёрлайди ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади.

10. Туман (шаҳар) ҳокими Комиссия хулосасини беш кун муддатда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишади ҳамда яроқсиз деб топилган боғ, токзор ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

11. Фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан олти ой муддатда:

яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорни бузиш ҳамда далани дарахт қолдиқларидан (илдизларидан) тозалаш;

яроқсиз деб топилган боғ ёки токзор ўрнида интенсив боғ ёки токзор барпо қилиш ишларини амалга оширади.

12. Агар фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари Низомнинг 7-бандидаги ҳолатлар бўйича тузилган далолатномани имзоланиши рад этганда ёки Низомнинг 11-бандида кўрсатилган тадбирларни белгиланган муддатларда бажармаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкасини ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

13. Яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорларни бузиш ҳамда далани дарахт қолдиқларидан (илдизларидан) тозалаш ишлари билан боғлиқ харажатлар тегишли фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ёки токзорларни яроқсиз деб топиш ҳамда интенсив боғ ёки токзорларга ўтказиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**912 Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ–5817-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ–5817-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлашга доир қоидалари Агентлик ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади ҳамда Агентлик ташкил этилган санадан эътиборан қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 декабрда эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н.Ш. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 декабрь,  
1015-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш  
қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Агентлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) бўйсунди.

3. Агентлик Қўмитанинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва унинг тизимига киради.

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш, унга умумий раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш Қўмита томонидан амалга оширилади.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойиш-

ларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Қўмитанинг қарорларига амал қилади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик ўз фаолиятини Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари орқали, шунингдек, давлат органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобрақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобрақамларига эгадир.

8. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги, қисқартирилган номи — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство по защите прав потребителей при Антимонопольном комитете Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Агентство по защите прав потребителей.

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Consumer Protection Agency under the Antimonopoly Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Consumer Protection Agency;

9. Агентликнинг жойлашган манзили (почта манзили): 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3.

## **2-боб. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижросиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва шаклланиши механизмларини ўрганиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

11. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

вазирликлар ва идоралар иштирокида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

қонун ҳужжатларининг истеъмолчиларга таъсирини баҳолайди, давлат органларининг истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган

қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

б) истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш соҳасида:

истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда етказилишини таъминлайди;

товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида, товарларнинг инсон соғлиғига таъсири ва бошқалар тўғрисида маълумот берувчи тизимни ўз ичига олган электрон платформа яратади ва юритади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотлар, шунингдек уларнинг ишлаб чиқарувчиси (ижрочиси) тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга етказиб беради;

в) аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

аҳолининг истеъмол билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Сифат куни» марафони тадбирини ташкил қилади;

истеъмолчилар учун одатдаги ҳаётий вазиятларни ҳал қилиш, истеъмолчилар ўртасида низоларни судгача ҳал этиш имкониятлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари базасини, шунингдек, кўшимча ҳуқуқий маълумотлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган тизимни (электрон платформа, онлайн форум) ўз ичига олган ягона онлайн платформа ҳамда бепул маслаҳатлар портални яратади ва юритади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради;

телевидение ва радиоканалларда, даврий нашрларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини, ушбу соҳадаги муаммо ва камчиликларни ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, истеъмол маданияти ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш

ва тизимли равишда ёритиб борилишини таъминлайдиган махсус дастурлар (руқнлар) ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш масалаларини тизимли ва таҳлилий ёритишга бағишланган теледастурлар чиқишини кенгайтиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари бўйича кундалик ҳаётда кўп учрайдиган савол ва жавоблар кўринишидаги махсус қўлланмалар (брошюралар) тайёрлайди ва уларни аҳоли ўртасида, биринчи навбатда умумий таълим мактабларида бепул тарқатилишини ташкил қилади;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва истеъмолчилик ҳуқуқи асосларини ўрганиш бўйича махсус курсларни ташкил этади;

г) истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огоҳлантиради;

истеъмолчилар қабулини ташкил қилади, мурожаатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлайди, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси юзасидан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчининг ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўриш тўғрисида судга мурожаат қилади;

айрим истеъмолчилар, уларнинг гуруҳи ва истеъмолчиларнинг номуайян доиралари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд амалиётини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали низоларни судгача ҳал қилиш учун онлайн хизматлар яратади ва уларнинг тизимли ишлаши бўйича таклифлар киритади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суддан ташқари ва судгача ҳал қилинган истеъмолчилар иштирокидаги низоларни ҳал қилишнинг қўлланиладиган механизмларини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

д) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш юзасидан ҳамкорлик қилиш соҳасида:



истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни аниқлашда иштирок этади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган сабабларни ва шароитларни аниқлайди ва ўрганади, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви ва назорат қилувчи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва жамоат органлари билан биргаликда зарур чора-тадбирларни олиб боради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

электрон тижорат ва улар билан боғлиқ ҳисоб-китоблардаги операциялар хавфсизлигини оширишга қаратилган тавсиялар тайёрлайди;

е) истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш йўналишида;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва белгиланган тартибда эълон қилади;

давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этишга ишонтириш мақсадида профилактика суҳбатларини ўтказди;

тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқбузарликни давом этишига улар томондан йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш орқали расмий огоҳлантириш беради, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор тадбиркорлик субъектини, ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солишда илғор халқаро амалиётни таҳлил қилган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимининг институционал, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлайди;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказишни ташкил қилади;

ё) тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш соҳасида:

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини оширишни такомиллаштиришда иштирок этади;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган «Ташаббус» кўриктанлови доирасида «Йилнинг энг яхши маҳсулот» номинациясида номзодларни танлаш жараёнида иштирок этади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

реклама соҳасида хорижий давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

даврий нашрлар, китоблар, ҳужжатли материалларнинг телевизион ва радио дастурлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш ва жойлаштириш учун материалларнинг бепул нусхаларини олади;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши бўйича тушунтиришлар беради;

реклама лойиҳаларининг (видео, аудио ва бошқа материаллар) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда реклама берувчидан, реклама ишлаб чиқарувчидан ва тарқатувчидан зарур ҳужжатларни, тушунтиришларни ва бошқа маълумотларни сўраб олади;

реклама берувчига, реклама ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги юзасидан камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма юборади;

семинар, кўргазма, конференция, шунингдек, кўплаб тадбирлар, тақдиротлар ва реклама тадбирларини бирлаштирган ҳолда, Ўзбекистонда маркетинг ва реклама соҳасида тадбирлар ўтказилади;

ташқи рекламани жойлаштириш бўйича ягона сиёсатни олиб боради;

ташқи реклама объектларини қуриш учун берилган ер участкалари, давлат мулки бино ва иншоотлари рўйхатларини тузишда қатнашади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маданий, тарихий ва диний объектлар жойлашган жойлардаги «рекламадан холи зоналар»ни аниқлашда қатнашади;

ж) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, бизнес вакиллари ва илмий муассасалар билан яқиндан алоқа ўрнатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида жамоатчилик назорати фаолиятининг муҳимлигини қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бўйича кўнгилдилар ҳаракатини ташкил этади ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади ва фаолиятини кенгайтиради;

з) истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва нархи шаклланиши механизмларини ўрганиш бўйича:

истеъмол бозорининг, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар нархининг ўзгариши ва уларга нархларни шакллантириш тартибини таҳлил қилади;

ички истеъмол бозорларида нархларни барқарорлаштириш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устамаларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилишда иштирок этади;

бозорларда импорт товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишда, импорт ўрнини босиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда кўмаклашади;

и) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатади ҳамда ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

МДХга аъзо давлатлар ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимларни имзолаш бўйича тадбирларда иштирок этади.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### **3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

2) вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

3) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) давлат органлари ва мансабдор шахслардан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

5) Агентлик ваколатларига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, Қўмитага, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

6) Агентлик ваколатларига кирувчи масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

7) судларга даъво аризалари киритиш, ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилиши бўйича суд жараёнларида иштирок этиш;

8) истеъмолчилар номуайян доираларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш;

9) ўз ваколатларига кирадиган масалалар доирасида қонун бузилиши билан боғлиқ жиноят аломатлари аниқланганда, материалларни белгиланган тартибда тегишли органларга юбориш;

10) Агентликнинг белгиланган тартибда назорат функцияларини амалга ошириши, шунингдек, ўрганиш ўтказиши давомида ҳуқуқни бузиш бел-

гилари мавжудлигини кўрсатувчи етарлича маълумотлар бевосита аниқланганда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан тушган ахборот, жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, оммавий ахборот воситаларидаги ҳуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар бўйича иш қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;

11) ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;

12) истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, дори воситалари ва тиббий буюмларга ҳамда бошқа маҳсулотлар (иш, хизматларга) нархларини шакллантириш тартиблари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

13) истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, ахборот бермаганлик ёки била туриб нотўғри ахборот берганлик, Агентлик кўрсатмаларини бажармаганлик учун хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жарималар (молиявий санкциялар) қўллаш тўғрисида судларга даъво аризалари киритиш;

14) хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш ва жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлигига олиб келиши мумкин бўлса, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш ва қўллаш тартиблари бузилганлиги учун ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

15) белгиланган тартибда Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

16) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

17) коворкинг марказлари ва «Истеъмолчи қабулхонаси» фаолиятини йўлга қўйиш;

18) синов лабораториялари ташкил этиш ҳамда уларни замонавий ускуналари билан жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш;

19) истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш;

20) малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида жалб қилиш, уларга, истисно тариқасида, Қўмитанинг бюд-

жетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш юзасидан Қўмигага таклиф киритиш;

21) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги юзасидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилиш;

22) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотларда ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказиш;

23) ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини барта раф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

24) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аломатлари аниқланганда материалларни тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ваколатли органлар ва ташкилотларга юбориш;

25) даврий босма нашрлар, китоб маҳсулотлари назорат нусхалари, теле- ва радиодастурлар эфирларида жойлаштирилган ҳужжатли материаллар, рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатишга оид материалларни бепул олиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентликка истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик марказий аппарати ва Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида тузиладиган махсус комиссияларнинг қарорлари асосида амалга оширилади.

14. Агентлик:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

Агентлик таркибий бўлинмаларининг Агентлик фаолияти билан боғлиқ режа кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

Агентлик томонидан Қўмигага кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентлик қабул қиладиган буйруқларнинг сифатли тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, ишлар режаси, тадбирлар, «йўл харита»лари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Агентлик раҳбариятининг асосий функционал вазифалари**

15. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Агентлик, шунингдек, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ режа кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қўмита раисининг топшириқларини бажариш;

7) ўз ўринбосари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини ҳамда шахсий масъулияти даражаларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

8) Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Агентлик ва ўз ўринбосарининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек,

«Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш ҳамда Қўмита ҳудудий бошқармаларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

10) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентлари талабларига мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқишини ташкил этиш, уларнинг Қўмита ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишлаб чиқилишида, Вазирлар Маҳкамаси Раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

11) Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

13) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентларида белгиланган муддатларда уларни келишилиши (виза қўйилиши) учун Қўмитага ўз вақтида киритиш;

14) Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республи-



касига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

15) ўз ўринбосари, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, Қўмита Хайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

16) Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш;

17) Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ва Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

18) Агентлик ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

19) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

20) Агентлик ва Қўмита ҳудудий бошқармалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

21) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

22) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

23) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхо-

насидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

24) давлат органларида, судларда ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

25) Қўмита ҳайъати мажлисларида иштирок этиш;

26) зарурият бўлганда Агентлик ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, ҳудудий бошқармаларнинг ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Қўмитага таклиф бериш;

27) Агентлик марказий аппаратининг штатлар жадвалини, харажатлар сметасини ва таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

28) Агентлик марказий аппарати ходимлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

29) Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юзасидан Қўмита раисига тақдимнома киритиш;

30) Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармасига ходимлар номзодларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш;

31) истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича Агентлик, Қўмита ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

32) истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш ва мукофотлашга тавсиялар бериш;

33) бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Агентлик тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

34) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

16. Қўйидагилар Агентлик директори ўринбосарининг асосий функционал вазибалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик директори вақтинча бўлмаганда унинг вазибаларини бажариш;

3) Агентликнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазибаларни тақсимлаш;

4) Агентлик фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентликнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

6) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг Агентлик фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Агентлик директори буйруқлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

10) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

11) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

12) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

13) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

14) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок

этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

15) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

17. Агентлик директори:

Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

18. Агентлик директорининг ўринбосари:

Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда бажарилиши;

Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича ўзи назорат қиладиган масалалар юзасидан;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

### **6-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

#### **1-§. Агентликнинг тузилмаси**

19. Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги тизимиغا Агентлик марказий аппарати киради.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тузилмалари сифатида Қўмита ҳудудий бошқармаларининг ташкилий тузилмасидаги истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари фаолият юритади.

#### **2-§. Агентлик раҳбарияти**

20. Агентликка Қўмита раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

21. Директор Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

22. Директор бўлмаган вақтда унинг ваколатлари директорнинг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

23. Директор лавозими бўйича Қўмита ҳайъати таркибига киритилади.

24. Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари ҳамда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

25. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлигининг ўринбосари — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиқлари Агентлик директорининг тақдимномаси бўйича Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

26. Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси ходимлари Агентлик директори билан келишилган ҳолда тегишли ҳудудий бошқарманинг бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

### **3-§. Агентликнинг Қўмита марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги**

27. Агентликнинг Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлиги директор ва унинг ўринбосари томонидан таъминланади.

28. Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорликда:

топшириқларни Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига таркибий бўлинмаларнинг бевоқиф фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Агентликка юклатилган вазифалар доирасида Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, натижаларини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўради;

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларидан келиб тушган таклифларни, шу жумладан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳасини тартибга солиш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг иштирокини ташкил этади.

29. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Агентлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради; фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Агентлик марказий аппарати га ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

30. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Қўмита раиси томонидан кўриб чиқилади.

#### **4-§. Агентликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

31. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

32. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

#### **5-§. Агентликнинг маслаҳат ва эксперт органлари**

33. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳасини тартибга солишнинг энг муҳим масалалари бўйича муаммоларни илмий таҳлил қилиш, тавсияларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун Агентликда юқори малакали ходимлар, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг вакиллари, соҳадаги етакчи олим ва мутахассислардан иборат эксперт кенгаши ташкил этилади.

Эксперт кенгаши низоми ва унинг шахсий таркиби Директорнинг тақдимномасига биноан Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

34. Агентликда бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

Агентлик ҳузурида тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Директор томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно.

#### **7-боб. Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

35. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиб борилади.

36. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуги Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

37. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

38. Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунларига кўра уларни рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазога тортиш юзасидан Агентлик томонидан Қўмитага таклиф киритилади.

### **8-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш**

39. Агентлик фаолиятини молиялаштириш, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

40. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

41. Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли хизмати учун қўйидаги миқдорда ҳар ойда устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан фоиз ҳисобида):

<b>Иш стажи бўйича гуруҳланиши</b>	<b>Иш стажи учун устама миқдори</b>
2 йилдан 5 йилгача	10 фоиз
5 йилдан 10 йилгача	20 фоиз
10 йилдан 15 йилгача	30 фоиз
15 йилдан 20 йилгача	40 фоиз
20 йилдан 25 йилгача	50 фоиз
25 йилдан юқори	60 фоиз

Узоқ муддат хизмати учун тўланадиган устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Агентлик томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

42. Агентлик ходимлари учун аввалги иш жойида берилган ҳарбий ва махсус унвонлар учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

### **9-боб. Агентликнинг ҳисобот бериши**

43. Агентлик Қўмитага ҳамда Қўмита билан келишган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Агентликнинг фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

44. Қўмита раиси Агентлик раҳбарларининг уларга юкланган вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсаткич раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

### **10-боб. Якунловчи қоида**

45. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошисидан «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва Мо-



нополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан истеъмолчиларга товарларни (ишларни, хизматларни) яроқлилик муддати, сақлаш ва хизмат кўрсатиш муддатини бузган ҳолда реализация қилганлик учун жарима солишига рухсат берилсин»;

в) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

1-банддаги «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарорига» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Жамғарма халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида ва давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини электрон аукцион натижалари асосида сотишдан тушган маблағларнинг 60 фоизи туманлар (шаҳарлар) бюджетига йўналтирилади;

олтинчи хатбошидаги «ундириш тартиби» сўзлари «улар миқдорини аниқлаш тартиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «йиғимларнинг 90 фоизи» сўзлари «ойлик йиғимларнинг 45 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида ер участкалари ва давлат мулки бўлган объектларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон савдолар ўтказиш натижасида тушадиган йиғим суммасининг 40 фоизи ва ташқи рекламани

жойлаштириш ҳуқуқини бериш учун ойлик йиғим маблағларининг 45 фоизи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «еттинчи хатбошида» сўзлари «бешинчи ва еттинчи хатбошиларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарорида:

а) 1-иловада:

9-банднинг тўртинчи хатбошисига «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзларидан кейин «(кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

11-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ҳамда унга идоравий мансуб тузилмалар орқали амалга оширади»;

14-бандда:

еттинчи хатбошига «рақобат муҳитини ривожлантириш» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги саккизинчи — ўн учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш»;

15-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма олтинчи — қирқ биринчи хатбошилар қўшилсин:

«вазирликлар ва идоралар иштирокида ишлаб чиқилган истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «Йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни жойларда ижросини амалга оширади;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огоҳлантиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш реклама масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан, истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қоникарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда кўнгилчилар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашади;

йигирма олтинчи хатбоши қирқ иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қирқ иккинчи хатбошисига «ва кўмита» сўзларидан кейин «ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Агентлик» сўзлари қўшилсин;

25-бандда:

учинчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш кўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошисига «табиий монополиялар тўғрисидаги» сўзларидан кейин «истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги» сўзлари қўшилсин;

ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш, жарима қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

26-бандда:

тўртинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш кўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентликка» сўзлари қўшилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошиларга «рақобат муҳитини ривожлантириш» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

28-банднинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Кўмита раиси томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Кўмита раисининг топшириғига биноан иштирок этиш»;

34-банднинг иккинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш кўмитаси раиси билан» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари ходимлари эса, Агентлик директори билан» сўзлари қўшилсин;

9-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш ва уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш»;

53-банднинг биринчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

54-бандга «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

55-банднинг биринчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

56-бандга «бошқа манбалар Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

б) 2-иловада:

3-бандда:

учинчи хатбошидаги «тақдимномаларини» сўзи «кўрсатмаларини» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи — тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

«истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, нархлари тартибга солиниши белгиланган товарларнинг нархларини (устама ва тарифлар) оширганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромадлар суммасининг 100 фоизи;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, шунингдек, Агентлик тақдим этган кўрсатмаларни бажармаганлик учун Агентлик ёки Агентлик киритган даъволар бўйича суд томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағларининг 100 фоизи;

ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун тушадиган ойлик йиғим маблағларининг 45 фоизи;

«E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида ер участкалари ва давлат мулки бўлган объектларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон савдолар ўтказиш натижасида тушадиган йиғим суммасининг 40 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига тушадиган давлат активларини сотиш суммасининг 4 фоизи»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

6-бандда:

иккинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан турар жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга»;

тўртинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

қўйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«6<sup>1</sup>. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва бошқа рағбатлантириш тўловлари, шунингдек, моддий рағбатлар Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ тўланади»;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларининг уй-жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштириш Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларига ипотека кредитларини бериш учун тижорат банкларига ресурсларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга (ушбу Низомга илова) мувофиқ амалга оширилади»;

15-бандга «ҳудудий бошқармалари» сўзларидан кейин «ҳамда Агентлик» сўзлари қўшилсин;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасида:

номига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги» сўзлари қўшилсин;

1-бандга «Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси деб аталади)» сўзларидан кейин «ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

2-бандда:

учинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «ёки ҳудудий бошқармаларида» сўзларидан кейин «ёхуд Агентликда» сўзлари қўшилсин;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Турар жой сотиб олиш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларига ипотека кредитлари бериш учун тижорат банкларига ресурслар ажратиш шартлари ходимда монополияга қарши курашиш ва давлат мулкни бошқариш органларида зарур иш стажи мавжудлиги ҳисобга олиниб, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўми-

таси марказий аппарати ёки ҳудудий бошқармаларида ёхуд Агентликда ипотека кредитини олгандан сўнг камида беш йил ишлаш шарти билан (Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлик лавозимларига ишга ўтиш бундан мустасно) Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан белгиланади.»;

5-банддаги «қўмитасининг» сўзи «қўмитаси ва Агентликнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига қўйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«Бунда, мазкур банднинг «б» кичик бандига асосан Жамғармага қолдириладиган 24 фоиз маблағларнинг мутаносиб равишда 4 фоиз пункти миқдоридаги қисми ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, қолган 20 фоиз пункти миқдорида қисми мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.»

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 октябрдаги 412-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 69-модда) илованинг 14-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги 305-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 15-16-сон, 125-модда) илованинг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 июлдаги 156-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 27-сон, 191-модда) илованинг 16-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 32-33-сон, 251-модда) 2-илованинг 13-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2006 йил 10 мартдаги 41-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 83-модда) 1-илованинг 3-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 20-21-сон, 181-модда) илованинг 7-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2010 йил 2 августдаги 165-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 31-сон, 261-модда) 1-илованинг 3-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 29 октябрдаги 240-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 54-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда) 1-илованинг 20-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон Фармони)» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 37-сон, 485-модда) 1-илованинг 16-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 5-сон, 66-модда) 1-илованинг 13-банди.



13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 33-сон, 863-модда) 1-илованинг 10-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 131-модда).

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ–2641-сон қарори)» 2016 йил 22 декабрдаги 412-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 52-сон, 602-модда) 1-илованинг 8-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони)» 2019 йил 23 февралдаги 161-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.02.2019 й., 09/19/161/2600-сон) 1-илованинг 28-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**913** «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қасб-хунар таълими марказининг 2018 йил 12 февралдаги 12, 3, 2/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2982, 2018 йил 15 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2018 й., 10/18/2982/0901-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 декабрь,  
97-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 декабрда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 декабрь,  
103-сон

Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 декабрь,  
11-2019-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**914** «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари  
ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш тарти-  
би тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3204*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги ПФ–5598-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 декабрда эълон қилинган.

4. Мазкур буйруқ 2020 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 18 ноябрь,  
167-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви  
миллий агентлиги директорининг 2019 йил  
18 ноябрдаги 167-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**«Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот  
tizimлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) давлат хизматларини кўрсатиш ва электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**ахборот ресурси** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

**ахборот тизими** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, уни қайта ишлаш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

**«Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизимлари ва ресурсларининг Ягона реестри** (бундан буён матнда Ягона реестр деб юритилади) — ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари рўйхати ҳамда улар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган, бутун жаҳон Интернет тармоғидаги очик ва умумий фойдаланилиши мумкин бўлган ахборот ресурси;

**Ягона реестр оператори** (бундан буён матнда Оператор деб юритилади) — Ягона реестрдан фойдаланиш ва унинг фаолиятини назорат қилувчи, шу жумладан маълумотлар базаларида жойлашган ахборотни қайта ишловчи юридик шахс.

2. Ягона реестрнинг оператори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

### **2-боб. «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш**

3. Давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизматларини кўрсатиш ва электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланиладиган «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари (бундан буён матнда ахборот тизимлари ва ресурслари деб юритилади) Ягона реестрда мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилади.

4. Ахборот тизимлари ва ресурсларини Ягона реестрда рўйхатдан ўтказиш давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизими ва ресурсини рўйхатдан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ шаклдаги талабномаси асосида Оператор томонидан амалга оширилади.

5. Ахборот тизимлари ва ресурсларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома давлат органлари ва ташкилотларининг Ягона реестрдаги кабинети орқали ахборот тизимлари ва ресурслари ишга туширилган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан юборилади.

Ягона реестрда кабинет очиш учун давлат органлари ва ташкилотлари Операторга ёзма равишда Ягона реестрда кабинет очиш ҳақида сўров юборади. Бунда Оператор икки иш куни ичида Ягона реестрда кабинет очади ва унга кириш учун логин ва паролни кўрсатган ҳолда ёзма равишда тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади.

6. Ахборот тизимлари ва ресурсларини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабнома Оператор томонидан талабнома юборилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва рўйхатдан ўтказилганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида давлат органлари ва ташкилотларининг Ягона реестрдаги кабинетига хабар юборилади.

7. Қўйидаги ҳолларда ахборот тизимлари ва ресурсларини рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

талабномада хатоликлар ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда;  
талабнома тўлиқ тўлдирилмаганда.

Бошқа асосларга кўра ахборот тизимлари ва ресурсларини рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

8. Йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилган тақдирда ахборот тизимлари ва ресурсларини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабнома беш иш кунидан кечиктирмасдан қайта юборилади.

Бунда мазкур талабнома Оператор томонидан уч иш куни ичида қайта кўриб чиқилади. Йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилган тақдирда ахборот тизимлари ва ресурслари Оператор томонидан рўйхатдан ўтказилади.

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ахборот тизимлари ёки ахборот ресурслари Ягона реестрда рўйхатдан ўтказилганда уларга ноёб идентификация рақами берилади.

10. Ахборот тизимлари ёки ахборот ресурсларини Ягона реестрдан чиқариш давлат органлари ва ташкилотларининг мазкур Низомнинг 3-ило-васига\* мувофиқ шаклда юборган талабномасига мувофиқ амалга ошири-лади.

Ахборот тизимлари ёки ахборот ресурсларининг Ягона реестрдан чи-қарилганлиги ҳақида Оператор томонидан давлат органлари ва ташкилот-ларининг кабинетига хабар юборилади.

11. Ахборот тизимлари ва ресурсларини Ягона реестрда рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш бепул амалга оширилади.

### **3-боб. Яқуний қоида**

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви  
миллий агентлиги директорининг 2019 йил  
18 ноябрдаги 167-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

### **Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-нинг 2006 йил 10 февралдаги 42-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, дав-лат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1558, 2006 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-ми, 2006 й., 14-сон, 120-модда);

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-нинг 2007 йил 2 майдаги 130-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғри-сидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1558-1, 2007 йил 2 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 242-модда);

3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуни-кация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 24-мх-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар кири-

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1558-2, 2013 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 21-сон, 274-модда);

4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 25 февралдаги 78-мх-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1558-3, 2014 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 113-модда);

5. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 5 майдаги 110-мх-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1558-4, 2015 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 225-модда);

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2016 йил 27 сентябрдаги 146-мх-сон «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1558-5, 2016 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 473-модда);

7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 17 ноябрдаги 355-сон «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646, 2006 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 519-модда);

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 2 майдаги 131-сон «Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646-1, 2007 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 22-сон, 228-модда);

9. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 22 апрелдаги 18-мх-сон «Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1646-2, 2013 йил 17 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 264-модда);

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 25 февралдаги 77-мх-сон «Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1646-3, 2014 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 112-модда);

11. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 5 майдаги 109-мх-сон «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646-4, 2015 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 224-модда);

12. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2016 йил 7 январдаги 142-мх-сон «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646-5, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 30-модда);

13. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 145-мх-сон «Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1646-6, 2016 йил 27 сентябрь).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**915 Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 декабрда эълон қилинган.



шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М.Б. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 сентябрь,  
24/5-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
28 сентябрдаги 24/5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар  
(микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби,  
қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз  
юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қарз олувчи жисмоний шахсларга кредитлар ёки микроқарзлар ажратилаётганда қарз юкини ҳисоблаш тартибини, қарз юкининг рухсат этилган миқдорини, қарз юки ўсишини чеклаб туришни, шу жумладан кунлик энг юқори фоиз ставкаларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қарз олувчи** — кредит ташкилотига кредит ёки микроқарз олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахс;

**қарз юки кўрсаткичи** — қарз олувчининг кредит ёки микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг унинг ўртача ойлик даромади миқдорига бўлган нисбати;

**қарз берувчи** — банк, микрокредит ташкилоти, ломбард ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа кредит ташкилоти;

**кредит (микроқарз) шартномаси бўйича тўловлар** — кредитнинг (микроқарзнинг) тўлиқ қиймати, фоизлар, шартномани тузиш вақтида маълум бўлган бошқа тўловлар, шу жумладан учинчи шахс фойдасига

тўланадиган тўловлар, агар бундай тўловлар шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса;

**ўртача ойлик тўловлар миқдори** — қарз олувчи томонидан барча қарз берувчилар билан тузилган кредит (микроқарз) шартномалари, шунингдек қарз олувчи кафил ва/ёки биргаликда қарз олувчи сифатида иштирок этадиган кредит (микроқарз) шартномалари бўйича тўловларнинг ўртача ойлик қиймати;

**ўртача ойлик даромадлар миқдори** — жисмоний шахснинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги, шунингдек пенсия ва бошқа даромадлари;

**биргаликда қарз олувчи** — қарз олувчи билан кредит (микроқарз) ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларда қатнашувчи, шунингдек кредит (микроқарз) бўйича солидар жавоб берувчи жисмоний шахслар.

2. Қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан микроқарз ёки ломбардлар томонидан кредит (микроқарз) ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиғи йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошганда ҳисобланади.

3. Қарз берувчи томонидан кредитга (микроқарзга) доир ҳуқуқлар сотиб олинганда қарз юки кўрсаткичи ҳисобланмаслиги мумкин.

## **2-боб. Қарз олувчининг ўртача ойлик тўловлари миқдорини аниқлаш**

4. Ўртача ойлик тўловлар миқдори ҳисоб-китобига қуйидаги тўловлар киритилади:

қарз берувчи томонидан кредит (микроқарз) ажратиш тўғрисида кўриб чиқиладиган мурожаат бўйича;

қарз берувчи томонидан кредит (микроқарз) ажратиш тўғрисида кўриб чиқиладиган мурожаатда биргаликда қарз олувчи назарда тутилган тақдирда, унинг барча кредиторлар билан тузилган ҳар бир кредит (микроқарз) шартномаси бўйича;

қарз юки кўрсаткичини ҳисоблаш санасида қарз олувчи ва барча қарз берувчилар ўртасида тузилган ҳамда амалда бўлган кредит (микроқарз) шартномалари бўйича;

қарз олувчи кафиллик шартномасига мувофиқ кафил сифатида иштирок этган кредитлар (микроқарзлар) бўйича, агар қарз юки кўрсаткичини ҳисоблаш санасида улар бўйича 30 кундан ортиқ муддати ўтган тўловлари мавжуд бўлса.

5. Қарз берувчи ўртача ойлик тўловларни кредит бюроси томонидан тақдим этиладиган кредит ҳисоботидаги ва қарз берувчи бошқа расмий манбалардан олган маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқади. Бунда қарз берувчи ўртача ойлик тўловлари миқдорини ҳисоблашда актуал (олинган санаси 7 иш кунидан ошмаган) маълумотлардан фойдаланиши лозим.

6. Қарз юки кўрсаткичини ҳисоблаш ва кредит (микроқарз) бериш санаси ўртасидаги вақт оралиғи бир календарь ойдан ошмаслиги керак.

### **3-боб. Қарз олувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдорини аниқлаш**

7. Қарз олувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори қарз олувчи томонидан охириги 12 ой ичида олган даромадлари миқдорининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Қарз берувчи томонидан кўриб чиқиладиган кредит (микроқарз) ажратиш ҳақидаги мурожаатда биргаликда қарз олувчи назарда тутилган бўлса, унинг даромадлари ҳам ўртача ойлик даромади ҳисоб-китобига киритилади.

8. Қарз берувчи қарз олувчининг ўртача ойлик даромадларини аниқлашда қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ва/ёки кредит бюродан ёки бошқа расмий манбалардан мустақил равишда олинган, қарз олувчининг даромадларини аниқлаш имконини берувчи маълумотлардан фойдаланади.

9. Қарз берувчи қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг ўртача ойлик даромадларини аниқлашда қўйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

иш берувчи томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари;

пенсия миқдори тўғрисидаги маълумотлари;

фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотлари;

фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган ва шулар каби бошқа доимий тарздаги даромадларини тасдиқловчи маълумотлар.

### **4-боб. Қарз юки ўсишини чеклаш меъёри**

10. Қарз берувчи томонидан кредитлар (микроқарзлар) ажратилаётганда жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги керак.

11. Қарз берувчи томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган барча кредит (микроқарз) шартномалари бўйича кунлик энг юқори фоиз ставка 0,3 фоиздан ошмаслиги бироқ фоизлар, воситачилик ҳақи, пеня ва бошқа жавобгарлик чоралари миқдори йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаслиги лозим.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2019 йил 6 декабрь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 14 декабрдан 20 декабргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 97, 103, 11-2019-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2019 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 18 ноябрдаги 167-сон «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3204.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/5-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг руҳсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими марказининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2982, 2018 йил 15 март).

***Адлия вазирининг 2019 йил 18 декабрдаги 539-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**